

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

3-son (4- jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Хайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Hamroyev Asliddin Umed o'g'li

“GULSHANUL MULUK” (“SHOHLAR GULSHANI”) ASARI – MANG’ITLAR HUKMRONLIGI DAVRI MUARRIXLIGI NAMUNASI 13-18

Bazarbayeva Shohsanam Muratovna

SIRDARYO VILOYATIDA VETERINARIYA SOHASIGA OID ISLOHOTLAR (XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARI) 19-23

Asadova Dilnoza Innatovna

O’ZBEKISTONDA RAQS SAN’ATI SOHASIDA KADLAR TAYYORLASH MASALASI TARIXI VA BUGUNI 24-28

Ҳайитов Умед Яҳёевич

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУВАҚҚАТ ИНҚИЛОБИЙ ҚҮМИТАСИ (МАРКАЗИЙ РЕВКОМ)НИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА ФАОЛИЯТИ 29-34

Омонова Сарвиноз Ориф қизи

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ДАВРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ҲОЛАТИ ... 35-42

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Алимханова Нигора Алимхановна

ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 43-52

Mahmudova Dilafruz Hasanovna

KORPORATIV BOSHQARUVNING AYRIM NAZARIY JIHATLARI 53-60

Toxirov Akbarxon Toirxon o'g'li

SANOAT KORXONALARIDA IQTISODIY XAVFSIZLIKNING EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH 61-69

Мехмоналиев Улугбек Эркинжон уғли

СУЩНОСТЬ ОРГАНИЗАЦИИ СЛУЖБЫ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ .70-75

Паязов Мурод Максудович

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖДА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕТОДИКАСИ 76-86

Шадибекова Дилдор Абдурахмановна

ЛОГИСТИЧЕСКИЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА И ПРОБЛЕМЫ ЕГО РАЗВИТИЯ 87-92

Malikova Dilrabo, Khudoiberdieva Maftunabonu

INNOVATIVE HR MANAGEMENT: NECESSITY AND METHODS OF APPLICATION 93-99

Мамажонова Одинахон Алишер қизи

КОРХОНАЛАР БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ 100-106

Nozimov Eldor Anvarovich

ELEKTRON TIJORATNI RIVOJLANISHDA O’ZBEKİSTON VA XORİJIY DAVLATLARNING O’RNI 107-115

Буранова Жазира Эргаш қизи

ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ НА ИНКЛЮЗИВНЫЙ РОСТ ГОСУДАРСТВА 116-120

<i>Худойназаров Фахритдин Хайтевич</i>	
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛарНИНГ ИҚТисодий АҲАМИЯТИ	121-127
<i>Бахтиёров Бобур Баходир ўғли</i>	
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА БАНК ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	128-136
<i>Isomtdinova Gulbaxor Kurbonaliyevna</i>	
О'zbekiston SHAROITIDA INVESTITSIYA RISKLARINI BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH	137-145
<i>Yuldashev Shadiyor Shuxrat o'g'li</i>	
OLIY TA'LIM O'QUV JARAYONLARIDA ZAMONAVIY VEB TEHNOLOGIYALARI INTEGRATSIYASI	146-150
<i>Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li</i>	
TIJORAT BANKINING KREDIT SIYOSATI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI	151-159
<i>Saidov Shohruh Mirzo</i>	
SOCIO-ECONOMIC ANALYSIS OF CONDITIONS OF DEVELOPMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	160-169
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i>	
IQTISODIY RIVOJLANISHNING HOZIRGI BOSQICHIDA XO'JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLAR FAOLIYATIDAGI JORIY AKTIVLAR TUSHUNCHASI VA UNING O'RNI	170-177
<i>Inomjon Matkarimov</i>	
AGROKIMYO BIOKIMYO XIZMATLARI IJTIMOIY IQTISODIY SAMARADORLIGINI TA'MINLASHNING SWOT TAHLILI	178-183
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>G'aybullayev Otabek Muxammadiyevich</i>	
JAMIyatda ESTETIK MADANIYAT RIVOJLANISHINING FALSAFIY ASOSLARI	184-189
<i>Masharipova Gularam Kamilovna</i>	
MAHMUD IBN MUHAMMAD IBN UMAR AL-CHAG'MINIYNING «AL-MULAXXAS FI-L-HAY'A» RISOLASINING NUSXALARI VA QOZIZODA RUMIYNING SHARHI	190-198
<i>Абдуллаханова Гулбахор Саттаровна</i>	
ФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ ИБН СИНО И ИХ РОЛЬ В УКРЕПЛЕНИИ ДУХОВНО- ЦЕННОСТНЫХ ОСНОВ СОВРЕМЕННОГО РАЗВИТИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ	199-206
<i>Urinov Xushnudjon Abdulomitovich</i>	
TA'LIM VA KASB-HUNAR ISLOHOTLARI GENEZISI: KASBIY FAOLIYAT VA MEHNATGA MUNOSABATNING TARIXIY SHAKLLANISHI	207-220
<i>Азизқулов Ақрам Абдурахмонович</i>	
ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИННИГ ЁРИТИЛИШИ	221-227
<i>Kenjayev Ulug'bek Muratovich</i>	
BEFARQLIK HAQIDAGI FALSAFIY FIKRLAR RIVOJI	228-232
<i>G'aybullayeva Laylo Safarboyevna</i>	
MAHALLADA YOSHLAR SIYOSIY FAOLLIGINI OSHIRISHDA IJTIMOIY-FALSAFIY RIVOJLANISH MASALALARI	233-238

<i>Xo'janova Tamara Jo'raevna</i>	
YOSHLAR MA'NAVIYATIGA TAHDID VA ULARDAN O'ZINI ONGLI HIMOYA QILISH KO'NIKMALARI	239-245
<i>Jabborova Saodat Sattorovna</i>	
MA'NAVIY SALOHIYATNING IJTIMOIY TARAQQIYOT MANBAI SIFATIDA XUSUSIYATLARI	246-252
<i>Xusanov G'olib Elmurodovich</i>	
O'ZBEK OILALARINING RIVOJLANISHIDA AXLOQIY TAFAKKUR MASALALARI	253-257
<i>Аззамходжаева Шахноза Сайдматмабовна</i>	
МУСУЛЬМАНСКОЕ БОГОСЛОВИЕ, СВЯЩЕННЫЙ КОРАН И ТВОРЧЕСТВО НАВОИ В КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОЙ КОМПАРАТИВИСТИКИ	258-265
<i>O'rakov Bobir Baxtiyorovich</i>	
IJTIMOIY DAVLATNING NAZARIY VA METODOLOGIK ASOSLARI: VUJUDGA KELISH SHARTLARI, BELGILARI VA FUNKSIYALARI	266-270
<i>Qunishev Ulug'bek Ulashevich</i>	
NEMIS KLASSIK FALSAFASIDA JAMIYAT RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI AXLOQIY VA ESTETIK OMILLAR	271-275
<i>Турдибоев Бозор Худойбердиевич</i>	
ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ТАРИХИЙ ЯХЛИТЛИК НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ СИФАТИДА	276-282
<i>Kenjayeva Dilrabo Rominovna</i>	
MARKAZIY OSIYO MUTAFAKKIRLARI TA'LIMOTIDA O'ZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	283-287
<i>Azamatova Gulrukha Islom qizi</i>	
SOCIOCULTURAL ASPECTS IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY IN THE CONTEXT OF MODERN EDUCATION	288-293
<i>Toшпулатова Ширин Мухиддиновна</i>	
ЭТИЧЕСКИЕ ОРИЕНТИРЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	294-302
<i>Yuldasheva Dilorom Yuldashevna</i>	
SCIENTIFIC ATTITUDE TO CONSCIOUSNESS AND ITS INFLUENCE ON THE FIELD OF EDUCATION	303-307
<i>Bekchanov Xudoybergan O'rinvich, Yusupova Firuza Hajiboy qizi, Yulliyeva Sohiba Shuhrat qizi</i>	
MAKTABGACHA YOSHDAGI KATTA GURUH TARBIYALANUVCHILARDA IJTIMOIY VA КОММУНИКАТИВ QOBILYATNING RIVOJLANISHI	308-314
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Ткебучава Ирина Георгиевна</i>	
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ	315-320
<i>Ikromxonova Firuza Ikromovna, Jazira Nusrultanqizi</i>	
TIPOLOGIK TAHLIL - KOMPOZITSIYA VA JANR (TARIXIY ASARLAR MISOLIDA)	321-327

<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi</i>	
LINGUACULTURAL PECULIARITIES OF THE CONCEPT “HAPPINESS” IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	328-334
<i>Mustafayeva Saodat Burxanovna</i>	
SALIM ASHUR SHE’RLARIDA LINGVOMADANIY BIRLIKLER VOSITASIDA VOQELIKNI BADIY TALQIN ETISH	335-340
<i>Abdulxayeva Nodirabegim Ixtiyorjon qizi</i>	
DRAMATIK ASARLARNI TARJIMA QILISHDA LEKSIK-SEMANTIK, LINGVOKULTUROLOGIK MASALALAR	341-346
<i>Xajiyeva Dilfuza Adambayevna</i>	
FOLKLOR VOSITALARINING ZAMONAVIY ADABIYOTDAGI O’RNI VA O’RGANILISHI	347-351
<i>Jumanova Sevara Xolmurod qizi</i>	
KIYIM KECHAK NOMLARI TILNING BOYISH MANBAI SIFATIDA	352-356
<i>Hojaliyev Ismail Tadjibayevich, Ismailova Sayyora Tolkinovna</i>	
MATN NAZARIYASINING SHAKLLANISHI	357-366
<i>Abdullaev Ulmasbek Khairullayevich</i>	
LITERARY WORKS AS THE MOST IMPORTANT AND WELL-ACCLAIMED COMPONENTS OF THE CULTURAL HERITAGE OF THE NATION	367-370
<i>Maxmudova Fotima Maqsud qizi</i>	
TYPES OF MEDIA TEXT LANGUAGE	371-375
<i>Maxmudova Zuhra Maqsud qizi</i>	
BADIY TARJIMANING TILSHUNOSLIK DAGI AHAMIYATI	376-380
<i>Davronova Zulfiya Boboyevna</i>	
UZBEK- FRENCH RELATIONS AS A BINDING PART OF INTERNATIONAL CULTURAL AND HISTORICAL EXPERIENCE	381-386
<i>Hakimova Dilrabo Yo’ldoshovna</i>	
TERMINOLOGIYA SOHASINING TARIXI VA DOLZARB MUAMMOLARI XUSUSIDA	387-392
<i>Мадрахимов Тулибай Абдукаrimovich</i>	
СЎЗЛАШУВ НУТҚИННИНГ ТИЛ ФУНКЦИОНАЛ ВАРИАНТЛАРИ ОРАСИДА ТУТГАН ЎРНИ	393-395
12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Ergashev Ikrom Abdurasulovich</i>	
SOLIQ INTIZOMINI BUZISH BILAN BOG’LIQ HUQUQBUZARLIKLER UCHUN JAVOBGARLIKNING AYRIM JIHATLARINING ILMIY-NAZARIY TAHLILI	396-402
<i>Куатбек Гулнар Куатбековна</i>	
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ТРАНСПАРЕНТНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ МЕСТНОЙ ВЛАСТИ	403-409
<i>Jurayev Dilmurot Mukhtarovich</i>	
ANALYSIS OF THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON ALTERNATIVE RESOLUTION OF DISPUTES ARISING FROM ADMINISTRATIVE AND PUBLIC LEGAL RELATIONS	410-415

Mirakhmedova Fazilat Khokim kizi

CRIMES OF MANUFACTURING AND SELLING PHARMACEUTICALS IN A WAY TO DANGER THE LIVES AND HEALTH OF INDIVIDUALS (Evaluation of Türkiye and Uzbekistan legal system) 416-428

Касимов Нодиржон Содикжонович

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИГ УМУМИЙ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ 429-438

Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Есенбаев Джанибек Таирович

ЭКОЛОГИК ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ 439-445

Джалилов Сардор Шавкатович

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ 446-453

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Mirzayev Qodir Toirovich

ZAMONAVIY XOR SAN'ATI TA'LIMINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI 454-458

Васильченко Ольга Анатольевна

ИСТОРИЯ И МЕТОДОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ 459-463

Эрназаров Алишер Эргашевич, Бекмурадов Зариф Хуррамович

ҮҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИГ МОДУЛЛИ ВА ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН ТУРЛАРИ ҲАМДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ 464-470

Mattiyeva Feruza Begmatdulobovna

TARJIMONLIK MALAKASINI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLINGVISTIK VA DIDAKTIK XUSUSIYATLARI 471-477

Jurayev Bobomurod Tojiyevich

ABU ALI IBN SINO QARASHALARIDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI 478-482

Umurova Ma'rifat Yoshiyevna

XALQ QO'SHIQLARI VATANPARVARLIK TUYG'USINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA 483-486

Raxmanova Dildora Abdulkamid qizi

INGLIZ TILIDA AKADEMİK YOZUV TUSHUNCHASI VA UNING TALABALAR ILMIY FAOILIYATIDAGI AHAMIYATI 487-492

Rajabiy Aziz Xasanovich

VOKAL ARTISTI FAOLIYATIDA SAHNA MAHORATINING O'RNI 493-497

Omanov Rashid Sherqobilovich

O'QUVCHILARDA EKOLOGIK TAFAKKURNI SHAKLLANTIRISH JARAYONLARINI TO'G'RI TASHKIL ETISH 498-501

Салимов Акром Хайитович

БЎЛАЖАК ҮҚИТУВЧИЛАРДА ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ 502-507

Mamatmurodov Sharofjon Khudoyarovich

TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING O'RNI 508-514

<i>Ли Екатерина Владимировна</i>	
СИНЭРГЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ	
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ	515-523
<i>Ахмедова Нафиса Исаходжаева, Азаматов Абдулло Исахўжаса ўғли, Лутфуллина Румия</i>	
<i>Анваровна</i>	
ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА	
ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	524-533
<i>Очилова Мехрибон Суратовна, Хамроева Феруза Асроровна</i>	
АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПЛАТФОРМ И ИХ	
КЛАССИФИКАЦИЯ	534-541
<i>Amonov Mirjon Namozovich</i>	
IJTIMOIY PEDAGOGIK FAOLIYAT VA UNING ASOSIY FUNKSIYALARI	542-547
<i>Sharipov Habibullo Abduqahhorovich</i>	
TALABALARNING IJODKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING O'RNI VA	
AHAMİYATI	548-552
<i>Yaxiyaxonova Muxiba Maxmudjonovna</i>	
RAQAMLI TA'LIM MUHITIDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING IT SAVODXONLIGINI	
OSHIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH	553-560
<i>Xakimova Gulshan Abdusalilovna</i>	
JISMONIY TARBIYA VOSITALARI ORQALI YOSH BOLALARNI SIFATLARINI	
TARBIYALASH	561-565
<i>Nazarov Rustam Irkinovich</i>	
TECHNOLOGY FOR DEVELOPING COMMUNICATIVE COMPETENCE OF STUDENTS IN HIGHER	
TECHNICAL EDUCATION FIELDS (IN THE EXAMPLE OF ENGLISH LANGUAGE)	566-570
<i>Muqimova Fotima Abduqaxor qizi, Muqimova Zuxra Abduqahor qizi</i>	
CHIZMACHILIK DARSLARIDA O'QUVCHILARNING GRAFIK SAVODXONLIGINI	
RIVOJLANTIRISHDA O'YINLI TEXNOLOGIYALADAN FOYDALANISHNING	
AFZALLIKLARI	571-576
<i>Sulaymanova Dildora Nazarovna, Giyasova Shaxnoza Abdurafikovna</i>	
BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING KREATIV TAFAKKURINI LOYIHAGA ASOSLANGAN O'QITISH	
VOSITASIDA RIVOJLANTIRISH MODELI	577-585
<i>Usmonova Matluba Nosirovna</i>	
O'QUVCHILARDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI TARBIYALASH	
METODIKASINING KREATIV PEDAGOGIK YONDASHUVI	586-590
<i>Ustaev Abdurazzoq Qurbanovich</i>	
MILLIY KURASH SPORT TURINING FUNKSIYALARI VA MAQSADGA ERISHISHDAGI	
VOSITALARI	591-596
<i>Shoimqulova Nigina Xolmurodovna, Yadigarova Sitora Bahromovna</i>	
ADDRESSING CHALLENGES IN TEACHING ENGLISH IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES: A	
SCHOLARLY EXAMINATION	597-603
<i>Yeshanov Marat Urazaliyevich</i>	
INGLIZ TILINI O'QITISHDA BO'LAJAK CHET TILI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV	
KOMPETENSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA PRAGMATIKANING AHAMIYATI	
LANGUAGE)	604-616

<i>Tursunova Shahnoza Bekchanovna</i>	
JAMOATCHILIK FIKRINI SHAKLLANTIRISHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALARNING O'R NATISH	617-622
<i>Atoyeva Gulshoda Rabimovna</i>	
OILADAGI ZO' RAVONLIKNING O'SMIR XULQIGA PSIXOLOGIK TA'SIRI	623-628
<i>Musinova Ruxshona Yunusovna, Qurbanova Aziza Davlat qizi</i>	
JABRLANUVCHI SINDROMI, UNING ASOSIY SABABLARI VA BELGILARI	629-635
<i>Jamolova Mokhigul Bakhtiyorovna</i>	
METHODS OF DEVELOPING THE CRITICAL THINKING ABILITY OF PRIMARY CLASS STUDENTS THROUGH FAIRY TALES	636-641

Азизқулов Ақрам Абдурахмонович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, доцент, фал.ф.н.
E-mail: akramproton@gmail.com

ШАРҚШУНОС УИЛЬЯМ ЭРСКИН ТАДҚИҚОТЛАРИДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИ ТАРИХИННИНГ ЁРИТИЛИШИ

Аннотация. Мазкур мақолада инглиз олими Уильям Эрскиннинг “Бобур хукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи” асарининг фалсафий-методологик таҳлили баён этилади. Шунингдек, мақолада У.Эрскиннинг бобурийлар тарихини ёритишида, хусусан, Бобур шахсиятини очиб беришдаги объектив ва холисона ёндашувининг моҳияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Темурийлар, ўрта асарлар, саркарда, хукмдор, шоир, Мирзо Бобур, “Бобурнома”, Ҳиндистон, Уильям Эрскин.

Azizkulov Akram Abdurakhmonovich

Samarkand Institute of Economics and Service
Head of the Department of Social Sciences, Associate Professor, Ph.D.

STUDYING THE HISTORY OF THE BABURI DYNASTY IN THE STUDIES OF ORIENTAL SCIENTIST WILLIAM ERSKINE

Abstract. This article describes a philosophical and methodological analysis of the work “History of India during the reign of Babur” by the English scientist William Erskine. The article also highlights the essence of W. Erskine’s objective and objective approach in covering the history of Babur, in particular, in revealing Babur’s personality.

Key words: Timurids, medieval works, military leader, ruler, poet, Mirza Babur, “Boburnoma”, India, William Erskine.

Азизқулов Ақрам Абдурахмонович

Самаркандский институт экономики и сервиса
Заведующий кафедрой социальных наук, доцент, к.ф.н.

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ ДИНАСТИИ БАБУРИ В ИССЛЕДОВАНИЯХ УЧЕНОГО-ВОСТОКА УИЛЬЯМА ЭРСКИНА

Аннотация. В данной статье описан философско-методологический анализ труда «История Индии во времена правления Бабура» английского учёного Уильяма Эрскина. Также в статье освещается сущность объективного и объективного подхода У. Эрскина в освещении истории Бабура, в частности, в раскрытии личности Бабура.

Ключевые слова: Тимуриды, средневековые произведения, военачальник, правитель, поэт, Мирза Бабур, «Бобурнома», Индия, Уильям Эрскин.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I3Y2024N27>

Кириш. Темурийлар ҳукмронлиги Марказий Осиё халқлари ижтимоий тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Мутахассислар бу даврни Марказий Осиёда иккинчи Уйғониш даври ҳам деб эътироф қиласидар. Амир Темур ва темурий шаҳзодалар илм-фан, маданият ва адабиётни қадрлайдиган, санъатни нозиктаъб тушунган. Бу борада ушбу сулола инсоният тарихидаги ўрни тенгсиздир. Бу сулола вакиллари доимо адабиёт, шеърият билан шуғулланган, санъат ҳамда фан-маданиятга ҳомийлик қиласидар. Чунки, ижодкорлик ва бунёдкорлик сулола асосчиси Соҳибқирон Амир Темурга хос бўлган бетакор фазилат эди.

Темурийлар мамлакатининг пойтахти сифатида Самарқандда табиий-илмий билимлар ривожида, хусусан, Мирзо Улуғбек раҳбарлигига оламшумул кашфиётлар амалга оширилган бўлса, Ҳиротда бадиий санъат, ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилади. Бундан ташқари Темурийлар томонидан яна бир маданий марказ барпо этилади. Бу Бобур Мирзонинг Ҳиндистонда янги давлатга асос солиши ва унинг ворислари томонидан сиёсий жиҳатдан тарқоқ халқларни бирлаштириб, қудратли империя ташкил этилишидир. Бобурийлар ҳукмронлиги даврида бу империяда илм-маърифат, адабиёт ва санъат, хунармандчилик ва меъморчилик соҳасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилади. Бобур Мирзо ва унинг ворислари томонидан Ҳиндистонда марказлашган давлат барпо этилиши ва бу империянинг ҳар томонлама гуллаб-яшнаганлигини тадқиқотчи олимлар ва давлат арбоблари эътироф этади [3;408].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тарихчи-шарқшунос олим Уилям Эрскиннинг “Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи” асарининг фалсафий-методологик таҳлилини амалга оширишда муаллифнинг асаридан кенг фойдаланилди. Шунингдек, мавзуни ёритишда ҳинд тарихчиси Л.П. Шарманинг “Бобурийлар салтанати” асари, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” ҳамда Гулбаданбекимнинг “Хумоюннома” асари каби манбалардан фойдаланилди.

Тадқиқот методологияси. Шарқшунос олим У.Эрскиннинг “Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи” асарининг фалсафий-методологик таҳлил этишда объективлик, компаративистик таҳлил, тизимли ёндашув, мантиқийлик ва тарихийликнинг бирлиги, қиёсий таҳлил ва шу каби усувлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги Марказий ва Жанубий Осиё цивилизациясида алоҳида ўрин тутади. Бугунги Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон мамлакатларининг тарихининг муҳим қисми сифатида — эътироф этиладиган бу сулола тарихи тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган соҳага айланган. Ҳатто Буюк Британия тарихи фанида бобуршунослик алоҳида тадқиқот объектига сифатида шаклланган [6;3-5]. Хусусан, Буюк Британияда Бобурийлар илмий мероси билан шуғулланган шарқшунос, тарихчи олим Уилям Эрскиннинг (1773-1852) тадқиқотлари бунга мисол бўлади. Шодландиялик катта ер эгасининг ўғли бўлган Уилям Эрскин Эдинбург университетида таҳсил олади. 1803 йилда файласуф ва иқтисодчи олим Жеймс Макинтошнинг таклифига биноан унга шахсий котиб сифатида Бомбайга боради ва 20 йил, яъни, 1823 йилгача Ҳиндистонда яшайди [8;4].

У.Эрскин шарқ тилларидан форс тилини мукаммал билган ва темурийлар сулоласи тарихини пухта ўзлаштирган. Тадқиқотларида темурийлар тарихига оид “Табокати Акбарий”, “Шажарат-ул-Атрок”, “Тарихи Рашидий”, “Хулосат-ул-таворих”, каби асарларнинг қўлёзмаларидан кенг фойдаланган. Унинг шахсий кутубхонасида 200дан ортиқ мана шундай ноёб тарихий асарлар мавжуд бўлганлигини қайд этишади [5;4]. У.Эрскин “Бобурномани”ни 1809 йилда инглиз таржимони Ж. Лейден(1775-1811) бошлаган таржимасини 1816 йилда тугатади [8;4].

Эрскин ўзининг тадқиқотларида шарқшунос олим сифатида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар сулоласини тарихини объектив тарзда ўрганишга ҳаракат қилган. Жумладан, у Ҳиндистон ўлкаси тарихини уч даврга ажратади: Биринчи давр — энг қадимги даврдан бошланиб Маҳмуд Фазнавийнинг Ҳиндистонни забт этгангача бўлган вақтни қамраб олади. Муаллиф бу даврни “Ҳиндлар даври” деб атайди.

Иккинчи давр — “Илк мусулмончилик даври” деб аталади. Унинг фикрича, бу давр Маҳмуд Фазнавий истилосидан бошланиб, яъни 1021дан то Бобурнинг Ҳиндистонни забт этишгача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Учинчи давр унинг фикрича; “Бобурнинг ғолибона юришларидан бошлаб, темурийлар салтанатининг кейинги 332 йиллик даврини ўз ичига олади [7;5].

Бу борада, шарқшунос У.Эрскин Ҳиндистоннинг дастлабки 2 даври тарихи яхши ўрганилганлигини таъкидлаб, 3-давр тарихини объектив ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Дастлаб подшоҳ Бобур аждодларини тарихини баён этишдан бошлар экан, “Татар деб аталадиган қабилалар тарихан учта улкан ирққа бўлинади ва улар бирбиридан урф-одатлари, тили ва турмуш тарзи билан фарқланади” – дейди [7;6]”. Уларни тунгуслар ёки манжурлар; мўғуллар ва турклар деб ажратади. Турклар сон жиҳатидан кўп бўлиб, улар улкан худудларни эгаллаб олганлигини қуидагича баён этади: “Улар жуда кўп асрлар давомида Гоби чўллари ва ғарбий Мўғулистан, жанубда Қашғар ва Помир тоғларигача, Хурросон, Каспий ва Қора денгизларигача, ғарбда эса Дон ва Волга бўйларигача, шимолда эса Сибиргача бўлган улкан худудларни эгаллаб яшаганлар” [7;6].

Шарқшунос олим У.Эрскин бобурийлар тарихига оид кўплаб асарларни компаративистик таҳлилини амалга ошириб, шу асосда ўзининг объектив мулоҳазаларини баён этади. Асарнинг Кириш қисмидан кейин Чингизхон ва унинг авлодларини ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. “Бобурнинг таҳтга чиқиши ва Мовароуннаҳрдан қувилишигача бўлиб ўтган воқеалар” бўлимида Бобурнинг туғилишидан бошлаб 1500 йилгacha бўлган воқеаларни батафсил ёритиб беради. Жумладан, асар “Самарқанднинг иккинчи бор олиниши ва бой берилиши”, “Қобулнинг олиниши. Бобурнинг Қобул ва Мавароуннаҳрдаги саргузаштлари”, “Хурросон сафари, Хон Мирзо исёни”, “Қандаҳорни олиниши ва бой берилиши. Мўғуллар исёни”, “Шоҳ Исмоил ва Шайбоний. Бобур Мовароуннаҳрда”, “Арғунлар Қандаҳорда”, “Бобуршоҳ Ҳиндистонда. Ҳиндистоннинг олиниши. Понипатдаги жанг”, “Рона Ҷанга урушлари. Чандирийдаги урушлар”, “Бобурнинг Ганг қирғоқларидаги юришлар”, “Бобурнинг хасталиги ва вафоти”, “Бобурнинг оиласи”, “Бобуршоҳ қўл остидаги ўлкалар” каби қисмлардан ташкил топган.

Муаллиф асарида Мирзо Бобурнинг Самарқандда Шайбонийхон билан олиб борган жангларини баён этар экан, шундай дейди: “Бобур бу пайтда ўн саккиз ёшда

бўлишига қарамай,...ўзининг баҳодирона руҳи ва узоқни кўра билиши(нозик диidi) туфайли бу ғалабани кўлга киритади” [7;24]. Воқеаларни баён этишда У.Эрскин “Бобурнома”дан кўп иқтибосларни келтиради [7].

Мирзо Бобур Самарқандни иккинчи марта кўлга киритишдаги қалтис вазиятда ўта зийраклик билан оқилона (рационал) йўл тутганини қуйидагича баён этади: “Бобур ўзини буюк пойтахт таҳтида кўриб турган бўлса ҳам, ҳали қиладиган ишлари жуда кўп эди. Унинг ғаними кучли эди, мамлакат эса тарқоқ ҳолда, унинг қўшини жуда оз эди. Ҳайриятки, у вазиятни яхши тушунарди. Вазиятни яққол кўриш учун, тарафдорлари ва рақиб ҳаракатини ўз кўзи билан кузатиш учун шаҳар ташқарисига чиқиб, боғсаройга жойлашди. Ерлик аҳоли бу ерда уни мамнуният билан кутиб олди” [7;24].

Шарқшунос Уилям Эрскин З.М.Бобурнинг моҳир хукмдор бўлиб етишида рационал тафаккурнинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтади; “Бобурнинг ақл-заковати, олдиндан кўра билиш ҳиссиёти уни бир дақиқа ҳам вақтни бой бермай, шиддат билан олға қараб юришга ундар эди” [7;45].

Мирзо Бобурдаги раҳбарлик қобилиятида рационалликдан ташқари шахсий ибрат, намуна кўрсатиш фазилатларини ҳам таъкидлаб ўтади; “У ҳар сафар ҳам қийинчиликларни ўз одамлари билан бирга барҳам кўришни маъқул кўрар эди” [7;46].

Муаллиф Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жисмонан бақувватлиги унинг моҳир саркарда бўлиб етишига асосий омил бўлиб хизмат қилган, деган фикрни илгари суради; “Бобур бақувват гавдали, ўрта бўйдан юқорироқ киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган ўйинларни яхши кўрар, ўткир мерган ва моҳир қиличбоз эди. Жуда кўп ҳолларда у шиҷоатини намойиш қилар ва яккама-якка жангда рақибидан устун чиқарди. Унинг гавдаси шу даражада бақувват эдики, айтишларича, баъзан ҳар иккала қўлтиғига икки кишини қисиб олиб, қалъа девори устида айланиб юрар ва шу тарзда йўлдаги тўсиқлардан ўтар эди” [7;107]. Қобулдан узоқдалигида мўғуллардан қариндоши бўлмиш Абдураззоқ бошчилигига мўғул лашкарларининг Мирзо Бобурга қилган исёнини ёритар экан, шундай дейди: “Файрат-шиҷоатли саркарда, бақувват ва эпчил қиличбоз бўлган Бобур ўзига яқин навкарларини олиб уларга қарши қилич яланғочлади. Яккама-якка жангда мўғул бекларидан бештасини ер тишлатди” [7;53].

Уилям Эрскин Мирзо Бобурдаги бағрикенглик, меҳр-шафқат, кечиримлилик каби фазилатларини алоҳида таъкидлаб ўтади. Хусусан, Мирзо Бобур яқинлари Хон Мирзо ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзолар гуноҳларини кечиришини баён этар экан, қуйидагича баён этади: “Бобурнинг... Хон Мирзо ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзолар ҳамда уларга қўшилганларнинг гуноҳини кечирганини кўриб, биз Бобурнинг ҳамияти йўқ, ғурурсиз ёки иродасиз киши эканда, деган хulosага келмаслигимиз керак. Унинг (яъни, Бобурнинг.-А.А) меҳр шафқатлилиги, гуноҳкорни кечира билиш қобилияти кучли ирода эгаси эканлигидан, олийжаноб, улуғвор фазилат эгаси эканлигидан, унинг нозик қалбини яралаган муртадлардан бир поғона ақлан ва ахлоқан юқори турганлигидан, унинг буюк қалб эгаси эканлигидан ва айниқса, ўз қариндошларига нисбатан меҳр-шафқати юқори эканлигидан далолат беради” [7;49].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг феъл-атрофидаги энг олижаноб фазилатлар унинг инсонпарварлиги ва беғараз кўнглидир, деган хulosага келади. “У жасур ва тадбиркор ҳамда шиҷоатли саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи лашкарбоши эди. У кўнгли беғараз ҳамда ишонувчан киши бўлиб, ёшлиқ

ғайрат ва шижаоти уни ҳеч қачон тарк этмаган. Унинг бағрикенг, кўнгилчан инсон бўлганлиги туфайли уй ичидагиларга илиқ муомала қилас, қариндошлари ва дўстлари ҳақида доим ғамхўр ҳамда қайси ижтимоий табақага мансублигидан қатъий назар кишиларнинг ташвишларига ҳамдардлик билдиришга тайёр турадиган саҳоватпеша киши эди” [7;103].

Темурийлар салтанатининг инқирози ва таназзули давридаги қалтис вазиятларда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг нафақат омон қолиши, балки буюк империянинг асосини яратишда ундаги матонатли фазилатларини қўйидагича баён этади: “Ҳали ёш болалигига ёқ Фарғона тахтига чиққанда, атроф мамлакатларнинг тахтида султонлар ва хонлар ўлтирас эди. У ҳали йигитлик даврида ёқ у султонлардан бирортаси қолмади. Улар саройдаги фитналар ёки бўлмаса четдан келган босқинлар қурбони бўлдилар. Ўша шафқатсиз шамоллар Бобурни ҳам узоқ элларга элтиб ташлади. Лекин қонида ғайрат шижаот ва иродада кучи туфайли ана шу ҳаёт бўронларига бардош бериб, ундан устун келган яккаю ягона темурий шу Бобур эди” [7;103].

Дарҳақиқат муаллиф таъкидлаганидек, Мовароуннаҳр ва Ҳурросонда Бобурдан бошқа барча темурийлар хукмдорлар ва шаҳзодалар Шайбонийхон томонидан тарих саҳнасидан улоқтириб ташланди. Мирзо Бобурнинг мана шундай қалтис ва таҳликали вазиятдан омон қолишида ундаги раҳбарлик қобилияти ва рационал фаолияти катта ёрдам берганлигини инглиз олими У.Эрскин қўйидагича таъкидлайди: “Ҳали йигирма ёшга тўлмай туриб у ҳаётнинг барча аччик-чучукларини, тақдирнинг иссиқ-совуғини бошдан кечирди. У гоҳ унчалик назарга чалинмайдиган шаҳдози қиёфасида, гоҳ улкан салтанат эгаси бўлган ғолиб шоҳ, гоҳ беватан ва қувғин қилинган қочоқ қиёфасида кўз олдимиизда намоён бўлади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам уни ҳаётдан умидворлик, метиндай иродада кучи тарк этмади. У ота юртидан қувилиб, мусофирикнинг энг оғир кунларини бир неча ҳамроҳлари билан кечираётган пайтда ҳам шавкати ва шоншуҳрати сўнмади ва минглаб кишиларни ўз ортидан эргаштира олди ҳамда уларнинг ёрдами туфайли чексиз салтанатни қўлга киритди. Бундай бесаранжом вазиятда кишиларнинг бошқариш учун жасур сарбоз бўлиш лозим эди, шунинг учун ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ суворийлик унинг касби бўлган эди [7;103]”. Бу таъриф — буюк саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосига берилган объектив баҳо ҳисобланади.

Мирзо Бобурнинг мақсади фақат ҳарбий юришлардан иборат бўлмасдан, балки тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган, илм-фан ва маданият равнақ топадиган давлатни барпо этиш эди. Унинг марказлашган, барқарор давлатчилик асосларини бунёд этишдаги фаолиятини қўйидагича тушунтиради: “Бироқ унинг жанг қилишга бўлган иштиёқи уни тинчликни таъминлаш ва қадрлаш ҳиссидан маҳрум этгани йўқ. Ҳарбий ҳаракатлардан тин олган пайтларни у серташвиш ҳаётнинг осуда кунлари деб ҳисоблар ва ором оларди. Одати бўйича бу пайтларда давлат ишлари билан банд бўлар, салтанатни мустаҳкамлаш ва давлат тизимини такомиллаштириш ҳамда қўл остидаги фуқароларни турмушини яхшилаш чораларини кўришга сарфларди” [7;104].

Темурийлардаги бунёдкорлик ва яратувчалик фазилатини Мирзо Бобурда ҳам мавжудлигини баён этар экан шундай дейди: “Бобурнинг қонига гўзалликни ва санъат асарларини қадрлаш хусусияти сингган бўлиб, улар орасида меъморчилик ва боғ яратиш санъати алоҳида ўрин эгаллайди” [7.104]. У.Эрскин Бобур ва бобурийлар яратган

меъморий обидалар ва боғлар хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтади. Подшоҳ Бобурдаги мазкур фазилатлар унинг ворисларида, айниқса, набираси Акбаршоҳ фаолияти ҳам мавжуд эди.

Шарқшунос У.Эрскин З.М.Бобурнинг илмий ва бадиий ижоди хусусида тўхталиб ўтар экан, шундай дейди: “Туркий назмда Мир Алишердан кейин туради, унга тенг келадиган шоир йўқ эди” [7;104]. Муаллиф Бобурнинг “Мубаййин”, “Рисолаи волидия” асарлари, уларнинг мазмуни ва моҳияти хусусида ҳам тўхталиб ўтади. “Бобурнома”нинг таржимони сифатида мазкур асра хусусида тўхталиб ўтар экан шундай дейди: “Бобур яратган асарлардан унинг мемуар (“Бобурнома”) асари энг яхши асарлардан ҳисобланади” деб алоҳида таъкидлайди. “Бобурнома” асарининг моҳиятини баён этар экан, бу асар ўша даврдаги Осиё тарихини тўғри ва тўла акс эттирган ягона асардир.

Мирзо Бобурнинг ижодий фаолияти хусусида тўхталар экан шундай дейди: “Бобур туркий мусиқа оҳанглари ҳақида ҳам рисола яратади, бу асар бу соҳада унгача яратилган асарлардан устунлик қиласи..... Бобур фақатгина мусиқа ишқибозигина бўлиб қолмай, яхшигина бастакор ҳам эди” [7;105].

Мирзо Бобурнинг серқирра ижодий фаолиятида хаттотлик қобилиятини шундай тушунтириди: “Бобурда адабиётшунослик ва шоирлик қобилиятидан ташқари Шарқда катта санъат ҳисобланган хаттотлик қобилияти ҳам жуда яхши ривожланган эди. Нафис ҳусниҳат эгаси бўлган Бобур бошқаларнинг ҳусниҳатига тўла тақлид қилиб кўчира оларди ва ҳатто ўзининг алоҳида ёзув услубини ҳам яратди ва бу услуб унинг номи билан аталади” [7;105]. Муаллиф бу ерда Хатти Бобурийни назарда тутмоқда.

“Бобурнома” асарини инглизча таржимасини амалга оширган шарқшунос У.Эрскин ўзининг “Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи” асарида айrim хронологик хатоларга ҳам йўл қўяди. Масалан, Олтин Ўрда хони Ўзбекхоннинг вафотини 1350 йил, Темурнинг Ҳиндистонга юриш санасини 1412 йил деган хатоликларга йўл қўяди [7;7,71]. Аммо, асосий тадқиқот обьекти – Мирзо Бобур фаолиятини ёритища холисона ёндашади.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, инглиз шарқшуноси У.Эрскин илмий тадқиқоти Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Мирзо Бобур ва бобурийлар салтанатининг тарихий аҳамиятига берилган обьектив баҳодир. У Ҳиндистон тарихида мустаҳкам марказлашган давлатчиликнинг вужудга келиши ва унда ривожланиш ва тараққиёт ҳукм сурғанлиги бу бобурий ҳукмронлиги даврига тўғри келади деган хулосаси бу айни ҳақиқатдир.

У. Эрскиннинг таърифлашича, Осиёлик шаҳзодалар орасида Бобур билан баробар мавқени эгаллай оладиган шаҳзода бўлган эмас [9;105]. Дарҳақиқат, буюк мутафаккир шоир ва олим, қудратли империя бунёдкори бўлган Бобурнинг шахси ва унинг феъл автори шубҳасиз, ана шундай юксак баҳоларга сазовордир. Ватандошимиз Бобур ва бобурийларни Ҳиндистон тарихида тутган ўрнини бундай юксак эътироф этилиши, ҳар биримизга юксак ифтихор туйғусини уйғотади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Азизкулов А.А. Ҳинд тарихчилари Бобур хусусида // Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. 2021 йил 12 феврал II-қисм. - Тошкент, 2021. -Б.136-138.

2. Бобур Захириддин Мұхаммад. Бобурнома. Тахрир ҳайъати А.Қаюмов, Х.Султанов, Б. Алимов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. — Тошкент.: “O’qituvchi” НМИУ, 2008. – 288 б.
3. Неру Дж. Открытие Индии. В двух томах / Джавахарлал Неру / Пер. с англ.; Переводчики: В.В. Исакович, И.С. Кливанская. — Москва: Политиздат, 1989. — 464 с.
4. Низомиддинов Н.Г. Буюқ бобурийлар тарихи (XVI–XIX аср). Монография. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012. -516 б.
5. Сотимов Ф. Таржимондан // Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистанда. // Инглиз тилидан қисқартилган таржима., таржимон: Ғофуржон Сатимов. – Тошкент: Чўлпон, 1995. - Б.3.
6. Сотимов Ф. Шоҳ ва шоир салтанати // Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати / Инглиз тилидан F.Сотимов таржимаси. – Тошкент.: Маънавият, 1998. –Б.3-5.
7. Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистанда // Инглиз тилидан қисқартилган таржима., таржимон: Ғофуржон Сатимов. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – 111б.
8. Харди П. Муаллиф ҳақида // Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистанда. // Инглиз тилидан қисқартилган таржима., таржимон: Ғофуржон Сатимов. – Тошкент: Чўлпон, 1995. – Б.4.
9. Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати / Инглиз тилидан F.Сотимов таржимаси. – Тошкент.: Маънавият, 1998. – 170 б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масьулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).